

ШАРТНОМАСИ № 15/09-22
(ландшафт дизайни хизматларини кўрсатиш бўйича)

Тошкент ш.

«15» сентябрь 2022 йил

«БУЮРТМАЧИ»: Низом асосида фаолият кўрсатувчи Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратура хузуридаги Мажбурий ижро бюроси номидан корхона директорнинг биринчи ўринбосари Ш.Б.Хайдаров бир тарафдан

«БАЖАРУВЧИ»: Низом асосида фаолият кўрсатувчи ООО «QUALITY-ENGINEERING-GROUP» номидан корхона раҳбари САЛИХОВА О.Р иккинчи тарафдан куйидаги шартларга ўзаро келишдилар:

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

БАЖАРУВЧИ ўз зиммасига БУЮРТМАЧИНинг топшириғига кўра, ўз материалларидан фойдаланиб БУЮРТМАЧИ томонидан белгиланган объектда, хусусан Тошкент ш. Халқобод 3-тор кўчаси 2А уйда жойлашган Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратура хузуридаги Мажбурий ижро бюроси марказий маҳкамаси маъмурий биноси олд ҳовлисининг кўринишини янада кўкаламзорлаштириш декоратив гуллар, манзарали дарахтлар ўтқазиш ва безатиш бўйича ландшафт дизайни хизматлари бажариб бериш мажбуриятини олади, БУЮРТМАЧИ эса бажарилган ишларни қабул қилиб олиш ва уларга ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

2. ШАРТНОМА БАҲОСИ

2.1. Ушбу шартнома бўйича бажариладиган ландшафт дизайни хизматларини “Техник топшириқнома” ҳужжати асосида аниқланган шартномавий баҳоси ҚҚС билан 22 980 000 (йигирма икки миллион тўққиз юз саксон минг) сўмни ташкил этади. Шартнома бўйича тўловлар тарафлар ўртасида бажарилган ишларни тасдиқловчи ҳужжатга асосан амалга оширилади.

2.2. Ландшафт дизайни хизматлари учун “Техник топшириқнома” шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади.

3. ТЎЛОВ ШАРТЛАРИ:

3.1. БУЮРТМАЧИ БАЖАРУВЧИга бажарилиши кўзда тутилаётган ишларнинг шартнома баҳоси бўйича 30 (ўттиз) фоизи миқдоридаги аванс (бўнак) тўловини шартнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ғазначилигидан рўйхатга олинган кундан бошлаб 5 (беш) банк иш кун ичида ўтказиб бериш мажбуриятини ўз зиммасига олади. Шартноманинг қолган 70 (етмиш) фоизи БУЮРТМАЧИ томонидан ишлар тўлиқ қабул қилиниб, қабул қилиш-топшириш далолатномаси имзоланган сўнг 10 (ўн) банк иш кун ичида тўланади.

3.2. Тўлов пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

4. ЛАНДШАФТ ДИЗАЙНИ ХИЗМАТЛАРИНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ:

4.1. БАЖАРУВЧИ ушбу шартноманинг 1-бандида назарда тутилган ишларни, ўзаро келишув асосида ландшафт дизайни хизматларини “Техник топшириқнома” ва Энг яхши таклифни танлаш учун ҳужжатлари асосида тез ва сифатли равишда бажаради.

4.2. Тарафлар келишувига биноан ландшафт дизайни хизматларини БУЮРТМАЧИ ихтиёрига топшириш муддати аванс тўлови ўтказиб берилган кундан бошлаб 10 (ўн) иш куни ҳисобланади.

4.3. Шартнома бўйича бажариладиган ишлар учун кафолат муддати 12 ойни ташкил қилади.

4.4. Шартнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ғазначилигидан рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга кириши ва «31» декабрь 2022 йилга қадар амалда бўлади.

5. ТАРАФЛАРНИНГ ХУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ:

5.1. БАЖАРУВЧИ:

5.1.1. Ландшафт дизайни хизматларини лозим даражада сифатли бажариш.

5.1.2. Мазкур Шартноманинг 4.2.-бандида белгиланган муддатда бажарилган ишларни БУЮРТМАЧИга топширилишини таъминлаш.

5.1.3. Ландшафт дизайни хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ материаллари, восита ва мосламалар, объектига олиб кириш, уларни тушириш, ташиш ва сақлаш билан боғлиқ ишларни ташкил этиш.

5.1.4. Объектда ландшафт дизайни хизматларини олиб борилишига тўсик бўладиган муаммолар пайдо бўлса, БУЮРТМАЧИни уч кунлик муддат ичида хабардор қилиш.

5.1.5. Техника хавфсизлиги, ёнгин хавфсизлиги ва объектни қўриқлаш бўйича зарурий чоратадбирларнинг бажарилишини таъминлаш.

5.1.6. Иш натижаларини БУЮРТМАЧИга белгиланган шаклдаги қабул қилиш-топшириш далолатномаси асосида топшириш.

5.1.7. Ландшафт дизайни хизматларини БАЖАРУВЧИ томонидан "Техник топшириқнома" ҳужжатларидан четга чиққан ҳолда бажарилиб, иш сифати ёмонлаштирилган тақдирда, тарафлар келишувига мувофиқ белгиланган муддат давомида мавжуд камчиликларни ўз ҳисобидан бепул бартараф этиш.

5.1.8. БАЖАРУВЧИ мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг бажарилиши ҳамда объектда бажарилган ландшафт дизайни хизматларини топширилиши учун БУЮРТМАЧИ олдида тўлиқ мулкий жавоб беради.

5.2. БУЮРТМАЧИ:

5.2.1. Мазкур Шартноманинг 3.1-бандида белгиланган муддатларда ва тартибда ҳақ тўлайди.

5.2.2. БУЮРТМАЧИ БАЖАРУВЧИ томонидан ландшафт дизайни хизматлари бўйича топширилган далолатномаларни, (тегишли ҳужжатларни) 10 (ўн) кун ичида қабул қилиб олиши ва тасдиқланган нусхасини қайтариши.

6. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ:

6.1. БАЖАРУВЧИ объектни ўз вақтида ландшафт дизайни хизматлари бўйича мазкур Шартноманинг 4.2.-бандида кўрсатилган ўз мажбуриятларини бузганлиги учун БАЖАРУВЧИ БУЮРТМАЧИга муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,4 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда (тўлов бадали) пенянинг умумий суммаси бажарилмаган иш суммасининг 10 фоизидан ошмаслиги лозим.

6.2. Шартноманинг 5.1.2.-банди талаблари бузилгани учун БАЖАРУВЧИ ҳар бир кечиктирилган кун учун шартнома суммасининг 0,05 фоизи миқдорида, аммо шартнома суммасининг 10 фоизидан ошмаган миқдорда пеня тўлайди.

6.3. Бажарилган ишлар учун мазкур Шартноманинг 3.1-бандида назарда тутилган тўловлар ўз вақтида амалга оширилмаган тақдирда БУЮРТМАЧИ БАЖАРУВЧИга тўлов кечиктирилган сумманинг 0,4 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси тўлов кечиктирилган сумманинг 10 фоизидан ошмаслиги лозим.

6.4. Агар БАЖАРУВЧИ ландшафт дизайни хизматларини бажаришни шартномада кўрсатиб ўтилган муддат ичида бошламаса, БУЮРТМАЧИ шартномани бекор қилиши, ўтказилган аванс тўловини қайтаришни ҳамда аванс тўловининг 50% миқдорида жарима тўлашни талаб қилиши, БАЖАРУВЧИ эса ушбу тўловларни амалга ошириб беришни ўз зиммасига олади.

6.5. Агар БАЖАРУВЧИ томонидан шартнома бўйича бажарилган ландшафт дизайни хизматлари сифатсизлиги аниқланса, БАЖАРУВЧИ БУЮРТМАЧИга ушбу сифатсиз ишлар бўйича қўрилган барча зарарларни, жарималарни тўлаш мажбуриятини олади. Жарималарни тўлаш тарафларни ўз зиммаларига олган шартномавий мажбуриятларни бажаришдан озод этмайди.

7. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ:

7.1. Тарафлар ўртасида юзага келадиган ушбу шартноманинг ижроси билан боғлиқ бўлган барча низолар ўзаро келишув йўли орқали ҳал этилади.

7.2. Ўзаро келишув орқали ҳал этилмаган низолар амалдаги қонунчилик асосида ҳал этилади.

8. БОШҚА ШАРТЛАР:

8.1. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, форс-мажор ҳолати масаласи амалдаги қонунчилик талаблари асосида ҳал этилади.

8.2. Шартномага қўлёзма асосида киритилган ўзгартириш, қўшимча ва тузатишлар, шунингдек тўловни амалга оширилишини кечиктириш ёки бирор бир ҳолатга боғлаб қўйиш билан боғлиқ қўшимчалар, тузатишлар, баёнлар ва бошқа хил битимлар ўз-ўзидан ҳақиқий ҳисобланмайди.

8.3. Ушбу шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилди.

8.4. Мазкур шартнома томонлар ўртасида имзоланиб ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ғазначилигидан рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради ва 31.12.2022 йилга қадар амал қилади.

9. ТАРАФЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ:

«БАЖАРУВЧИ»

ООО «QUALITY-ENGINEERING-GROUP»

Манзилгоҳи: Тошкент вилояти, Тошкент тумани
Хасанбой ТХАЙ.

Код Ндс: 327060081979

Х/р: 2020 8000 9051 4731 8001

ОКЭД: 01192

МФО: 01067

Банк: Тошкент ш. «Ипак йули» АИТ Банки

ИНН: 306 891 447

Телефон: +998903176664

Рахбар: Эркинов Х



[Handwritten signature]

«БУЮРТМАЧИ»

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузурдаги Мажбурий ижро бюроси

Манзилгоҳи: 100084, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани,
Халқобод 3-тор кўчаси, 2-А уй. Телефон: (71) 207-11-82

СТИР: 304 959 131; ИФУТ (ОКЭД): 84 119

Х/р -2340 2000 3001 0000 1010

Банк: Марказий банк ББ ҲККМ; Банк коди (МФО): 00 014

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги

Ғазначилиги Ш/Х/В:

4001 1086 0262 6670 3650 0010 002

Директор биринчи ўринбосари: Ш.Б.Хайдаров



Ҳуқуқшунос: *[Handwritten signature]*



Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida

GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"QUALITY-ENGINEERING-GROUP" Mas'uliyati cheklangan jamiyat

(Yuridik shaxsning – tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holdagi to'liq nomi)

"QUALITY-ENGINEERING-GROUP" MChJ

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

26.11.2019

784266

ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (so'z bilan), yil):

Soliq to'lovchining identifikatsiya raqami (STIR):

306891447

Tashkiliy-huquqiy
shakli:

Mas'uliyati cheklangan jamiyat

Joylashgan joyi:


Toshkent viloyati, Toshkent tumani, Hasanboy, TXAY,

Guvohnoma:

Toshkent viloyati, Toshkent tumani, DAVLAT XIZMATLARI
MARKAZI

tomonidan
berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organning to'liq nomi):



*alisher
mijozov*



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ

ГОСУДАРСТВЕННЫЙ НАЛОГОВЫЙ КОМИТЕТ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

ҚЎШИЛГАН ҚИЙМАТ СОЛИҒИ СОЛИҚ ТЎЛОВЧИСИ СИФАТИДА
РЎЙХАТДАН ЎТГАНЛИГИ ТЎҒРИСИДА
ГУВОҲНОМА

СВИДЕТЕЛЬСТВО
О РЕГИСТРАЦИИ В КАЧЕСТВЕ НАЛОГОПЛАТЕЛЬЩИКА НАЛОГА НА
ДОБАВЛЕННУЮ СТОИМОСТЬ

ҚҚС РЎЙХАТ РАҚАМИ
РЕГИСТРАЦИОННЫЙ НОМЕР НДС 327110093465

Мазкур гувоҳнома ҚҚС солиқ тўловчиси сифатида ҳисобга қўйилганлиги ва ҚҚС шахсий рўйхатга олиш рақами берилганлигини тасдиқлайди

Настоящее Свидетельство подтверждает постановку на регистрационный учет в качестве налогоплательщика НДС и присвоения индивидуального регистрационного номера НДС

Солиқ тўловчининг номи
Наименование налогоплательщика

ООО "QUALITY-ENGINEERING-GROUP"

Солиқ тўловчининг идентификация рақами
Идентификационный номер налогоплательщика

306891447

Шаҳс ҚҚС солиқ тўловчиси бўлган сана
Дата с которой лицо становится плательщиком
НДС

26.11.2019

Рўйхатдан ўтиш санаси
Дата регистрации

25.01.2020



Маълумотномада кўрсатилган маълумотлар тўғрилигини текшириш учун мобил телефон ёрдамида QR-кодни сканер қилинг.
Отсканируйте QR-код при помощи мобильного устройства для проверки подлинности информации.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги
Мажбурий ижро бюроси харид комиссиясининг
1 - сонли йиғилиш баёни

Тошкент ш.

15.09.2022 й.

Харид комиссияси раиси: Бюро директорининг биринчи ўринбосари
Ш.Б.Хайдаров

Комиссия аъзолари: **С.Ш.Юнусов, Б.Б.Жумаев, А.С.Ишонкулов**
ва **А.И.Бўстонов.**

Йиғилиш котиби: Бюро бош инспектори **Ж.Н.Авазов**

Кун тартибидаги масала:

Мажбурий ижро бюроси марказий аппарати маъмурий биноси олд ҳовлисининг кўринишини янада кўкаламзорлаштириш декоратив гуллар, манзарали дарахтлар ўтқозиш ва безатиш учун ландшафт дизайни хизматлари бажариб бериш бўйича Харид комиссиясининг 12.09.2022 йилдаги (Лот рақами 119615) йиғилиш баёнига танлаш иштирокчиларининг муносабати тўғрисида.

Харид комиссияси раиси Ш.Б.Хайдаров йиғилишни очиқ деб эълон қилди.

Комиссия аъзоси Б.Б.Жумаев сўз олиб, кун тартибидаги масала юзасидан Ўзбекистон Республикаси "Давлат харидлари тўғрисида"ги Қонун талабларидан келиб чиқиб, комиссиянинг 12.09.2022 йилдаги (Лот рақами 119615) мажлис баённомаси танлаш иштирокчилари томонидан танлаш натижалари бўйича эътирозлар келиб тушмаганлиги хусусида ахборот берди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, комиссия аъзолари томонидан кун тартибидаги масала бўйича Харид комиссиясининг 2022 йил 12 сентябрдаги (Лот рақами 119615) мажлис баённомасида қолиб деб топилган корхона билан белгиланган тартибда шартнома тузиш таклиф қилинди.

Мазкур таклиф комиссия раиси Ш.Б.Хайдаров томонидан маъқулланди.


Юқоридагилардан келиб чиқиб, харид комиссияси:

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Комиссия аъзоси Б.Б.Жумаевнинг ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. Мажбурий ижро бюроси Ишлар бошқармаси томонидан Харид комиссиясининг 2022 йил 12 сентябрдаги (Лот рақами 119615) мажлис баённомасида қолиб деб топилган "QUALITY-ENGINEERING-GROUP" МЧЖ билан белгиланган тартибда шартнома тузилсин ҳамда махсус ахборот порталига жойлаштирилсин.

Комиссия раиси:



Ш.Б.Хайдаров

Комиссия аъзолари:



С.Ш.Юнусов



Б.Б.Жумаев



А.С.Ишонкулов



А.И.Бўстонов

Йиғилиш котиби



Ж.Н.Авазов